

**ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ**

**ҚУРИЛИШДА НАРХ ШАКЛЛАНТИРИШ  
УЧУН СМЕТА НОРМАТИВ -  
ХУЖЖАТЛАР ТИЗИМИ**

**ШНҚ 4.01.01 - 20**

**РАСМИЙ НАШР**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

**Тошкент 2020**

**ШНҚ 4.01.01 - 20** Қурилишда нарх шакллантириш учун смета норматив хужжатлар тизими. Тошкент 2020. 16 бет.

**ИШЛАБ ЧИҚДИ ВА КИРИТДИ:** Лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида иқтисодий ислохотлар бошқармаси Ш.И.Содиқов, А.Худойназаров (Қурилиш вазирлиги), “Qurilish iqtisodiyoti instituti” МЧЖ (М.С.Мустапов, С.П.Яковлев, Б.Р.Рохмонов) қайта ишланган.

**МУҲАРРИРЛАР:** Б.И.Закиров, Ш.С.Хидоятлов, Б.С.Садиқов, Ш.И.Содиқов (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги), М.С.Мустапов, С.П.Яковлев (“Qurilish iqtisodiyoti instituti” МЧЖ).

**ТАСДИҚЛАШГА ТАЙЁРЛАДИ:** Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг Техник меъёрлаш, янги технологияларни жорий этиш бошқармаси (А.А.Муслимов, Ж.А.Бўтаёров).

**ТАСДИҚЛАНДИ:** Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2021 йил 05 январдаги 7 - сон буйруғи билан. Амалга киритиш санаси 2021 йил 1 апрель.

ШНҚ 4.01.01-20 “Қурилишда нарх шакллантириш учун смета норматив хужжатлар тизими” жорий этилиши билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ШНҚ 4.01.01-04 “Қурилишда нарх шакллантириш учун смета норматив хужжатлар тизими” ўз кучини йўқотади.

Норматив хужжатдан фойдаланилганда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва “Ўзстандарт” Агентлиги томонидан нашр этилган қурилиш нормалари ва қоидаларига ҳамда давлат стандартларига киритилган ўзгартиришлар ҳисобга олиниши керак.

## МУНДАРИЖА

1.	КИРИШ	4
2.	ҚУРИЛИШДА НАРХ ШАКЛЛАНТИРИШ УЧУН РЕСУРСЛАРНИ СМЕТАЛИ НОРМАЛАШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ.	5
3.	ҚУРИЛИШДА НАРХ ШАКЛЛАНТИРИШ УЧУН СМЕТА НОРМАТИВ ХУЖЖАТЛАР ТИЗИМИГА КИРУВЧИ РЕСУРСЛИ СМЕТА НОРМАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ	5
5.	РЕСУРСЛИ СМЕТА НОРМАЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР	6
6.	“ИҚТИСОДИЙ НОРМАТИВЛАР” ШНҚ № 4 ҚУЙИ ТИЗИМИГА КИРУВЧИ СМЕТА НОРМАЛАРИ ТИЗИМИ	7
7.	СМЕТА НОРМАЛАРИ ВА УЛАР ХАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ, МУВОФИҚЛАШТИРИШ, ТАСДИҚЛАШ, РЎЙЎХАТДАН ЎТКАЗИШ ВА НАШР ҚИЛИШ ТАРТИБИ	8
8.	РЕСУРСЛИ СМЕТА НОРМАЛАРНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ	10
9.	РЕСУРСЛИ СМЕТА НОРМАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ТЎҒРИ ҚўЛЛАШДАГИ МАСЪУЛИЯТ	11
10.	СМЕТА НОРМАТИВ ХУЖЖАТЛАР ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ	12
11.	1-ИЛОВА. ҚУРИЛИШДА НАРХ ШАКЛЛАНТИРИ УЧУН СМЕТА НОРМАТИВ ХУЖЖАТЛАР ТИЗИМИ	13
12.	2-ИЛОВА. ҚУРИЛИШ ҲАЖМИНИ АНИҚЛАШ ҚОИДАЛАРИ	14
13.	3-ИЛОВА. «ИҚТИСОДИЙ НОРМАТИВЛАР» ШНҚ № 4 ҚУЙИ ТИЗИМИГА КИРУВЧИ РЕСУРСЛИ СМЕТА НОРМАЛАР	16

## КИРИШ

Мазкур Қурилишда нарх шакллантириш учун смета норматив хужжатлар тизими қуйидагиларни белгилайди:

қурилишда нарх шакллантириш учун ресурсли смета нормалашнинг асосий мақсад ва вазифаларини;

қурилишда нарх шакллантириш учун ресурсли смета норматив хужжатлар тизимига кирувчи ресурсли смета норматив хужжатларнинг турларини;

ресурсли смета нормаларига қуйилган талабларни;

“Иқтисодий нормативлар” № 4 қуйи тизимига кирувчи ресурсли смета нормалар тизимини;

ресурсли смета нормаларини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш, рўйхатдан ўтказиш, нашр қилиш тартиби ва улар ҳақидаги маълумотларни;

ресурсли смета нормаларни қайта кўриб чиқиш ва ўзгартириш тартибини;

ресурсли смета нормаларини ишлаб чиқиш ва тўғри қўллашдаги масъулиятини;

ресурсли смета норматив хужжатларидан тўғри фойдаланилиш устидан назорат ташкил қилишни.

Мазкур бобда ШНҚ 1.01.01 “Қурилишда норматив хужжатлар тизими. Асосий ҳолатлар” билан бир қаторда келтирилган бевосита ресурсли смета нормаларига даҳлдор бўлган қоидалар ҳам мавжуд.

Нархларни шакллантириш учун ресурсли смета нормалар тизими “Иқтисодий нормативлар” № 4 қуйи тизимининг шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ҳамда қурилиш учун зарур бўлган ресурслар ҳажмини аниқлаш учун керак бўлган ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган бошқа ресурсли смета нормаларни ўз ичига олади.

Ресурсли смета нормалар бу - алоҳида тўпламларга жамланувчи ресурсли смета нормалар мажмуасининг умумлаштирилган номи. Зарур талабларни ўз ичига оладиган қоида ва низомлар билан бир қаторда улар турли хилдаги бино ва иншоотлар қурилишига, реконструкциясига, кенгайтирилишига, техник қайта жиҳозланишига ва таъмирланишига сарфланадиган ресурсларни холис баҳолаш учун хизмат қилади.

“Иқтисодий нормативлар” № 4 қуйи тизимининг асосий қоида

ва низомларига ойдинлик киритувчи ҳужжатлар смета ресурс ҳужжатларини тайёрлашда фойдаланилиши керак бўлган йўриқнома, услубий кўрсатмалар, кўлланма ва бошқа материаллар кўринишида қўшимча тарзда чиқарилиши ҳам мумкин.

## **1 ҚУРИЛИШДА НАРХ ШАКЛЛАНТИРИШ УЧУН РЕСУРСЛАРНИ СМЕТАЛИ НОРМАЛАШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

1.1 Қурилишда нарх шакллантириш учун ресурсларни сметали нормалашнинг асосий йўналиши бу - қурилишда нарх шакллантириш учун ресурсли смета нормалар тизими орқали турли хилдаги бино ва иншоотлар қурилиши (реконструкцияси, кенгайтирилиши, техник қайта жиҳозланиши ва таъмирланиши) учун зарур бўлган ресурслар эҳтиёжни холис баҳолашдир.

1.2 Зарур ҳолларда ресурсли смета нормаларидан алоҳида лойиҳавий ечимларни таққослаш ва иқтисодий баҳо бериш учун ҳамда капитал қўйилмалардаги тузилмавий ўзгаришлар таҳлилида фойдаланиш мумкин.

## **2 ҚУРИЛИШДА НАРХ ШАКЛЛАНТИРИШ УЧУН СМЕТА НОРМАИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТИЗИМИГА КИРУВЧИ РЕСУРСЛИ СМЕТА НОРМАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ**

2.1 ШНҚ 1.01.01 “Қурилишда норматив ҳужжатлар тизими”, “Асосий ҳолатлар”га мувофиқ ресурсли смета нормативлар қуйидагиларга бўлинади:

- Республика миқёсидаги (ШМК).
- Давлатлараро (ДҚМ).
- Идоравий (ИҚМ).

Қурилиш баҳосини аниқлаш учун ресурсли смета нормативларни ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш қоидаларини ўз ичига оладиган “Иқтисодий нормативлар” № 4 қуйи тизим билан биргаликда норматив ресурсларни сметали нормалаш методологиясини ҳосил қилади.

Буларнинг барчаси республика миқёсидаги, давлатлараро ва идоравий ресурс нормалари 1 - иловада келтирилган, қурилишда нарх шакллантириш ва нормалаш тизимининг ресурсли смета норматив базасини ташкил қилади.

2.2 Республика миқёсидаги нормалар “Иқтисодий нормативлар” ШНҚ № 4 қуйи тизимига кирувчи, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан кучга киритилувчи нормаларни ўз ичига олади.

Улардан Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигининг турли соҳаларида амалга ошириладиган қурилишларнинг баҳосини аниқлашда фойдаланиладиган ресурсларнинг талаб қилинадиган миқдорини аниқлашда фойдаланилади. Ушбу нормаларга шунингдек ресурсли элементли смета

нормалари (РЭСМ) ҳам киради.

2.3 Давлатлараро ресурс смета нормаларига МДХ давлатларининг стандартлаштириш ва техник нормалаш бўйича Давлатлараро илмий-техника хайъати ёрдамида ишлаб чиқилган ресурс смета нормалар киради ва улар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кучга киритилади.

2.4 Идоравий қурилиш нормативларига (вазирликлар, ассоциациалар ва шу кабилар) шу ташкилотлар таркибига кирувчи корхона ва идоралар қўллашлари учун идоралар томонидан соҳавий тегишлилигига кўра тасдиқланадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан келишилган ресурсли смета нормалари киради.

### **3 РЕСУРСЛИ СМЕТА НОРМАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

3.1 Ресурсли смета нормалари қурилиш баҳосини “ресурс усули” билан аниқлаш талабларига мос бўлиши керак.

Улар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

тизимнинг асосий вазифаларига ва қурилишда ресурсларни нормалашга мувофиқ бўлган ҳолда лойиҳалашнинг турли босқичларида нархни аниқлашга имкон бериши;

турли ресурсларни оптимал сарфини, атроф табиат муҳитидан самарали фойдаланишни, қурилиш баҳосини тўғри ва ишончли аниқланишини таъминлаган ҳолда техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлиши;

қурилиш техникаси ютуқларини ва қурилиш ишлаб чиқаришининг илғор технологияларини ҳисобга олган ҳолда қурилишнинг илмий-техник ривожини рағбатлантириши;

фойдаланишда оддий ва қулай бўлиши, компьютерлардан ва бошқа автоматлаштириш усулларида кенг фойдаланиш имконини берадиган, ҳамда норматив ҳужжатлар ҳажмини қисқартириш имконини бериши лозим;

ресурсли смета нормалар ишлаб чиқилиши жараёнида, алоҳида нормаларда мавжуд бўлган харажатларни қайта ҳисоблаш имкони бўлмаслиги керак.

3.2 Ресурсли смета нормаларни ишлаб чиқиш учун керакли маълумотларга қуйидагилар киради:

лойиҳавий материаллардаги энг мақбул техник ечимлар;

замонавий фан ва техника ютуқларини ўзида мужассамлаштирган

қурилиш ишлаб чиқариши технологияси ва қурилиш машиналари;

материаллар, маҳсулотлар ва конструкциялар ҳамда усқуналарга таълуқли амалдаги нормалар;

қурилишда ишчиларга ҳақ тўлаш бўйича амалдаги нормалар ва низомлар.

3.3 Ресурсли смета нормативлар ўз кучини маълум вақтгача, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари асосида амалга ошириладиган янги смета нормалари кучга киргунига қадар сақлаб туради.

Қурилишда янги смета нормаларига ўтиш ҳақида қарор қабул қилинганда, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати янги кучга киритилаётган смета нормалари қандай маълумотлар асосида ишлаб чиқилиши кераклигини ҳамда мазкур нормаларни кучга кириш санасини белгилайди.

3.4 Ресурс смета нормаси деганда қурилиш ёки монтаж ишлари ҳамда конструкциялар учун, одатда табиий (физик) бирликларда ёки нисбий шаклда (фоиз, коэффициент кўринишида) қабул қилинган кўрсаткич учун белгиланган ресурслар мажмуаси (ишчилар меҳнат сарфи, қурилиш машина ва механизмларининг ишлаш вақти, материаллар, маҳсулотлар ва конструкцияларга бўлган эҳтиёж) тушунилади.

Смета нормаларидаги ресурсларнинг таркиби ва миқдори қурилиш ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш соҳасидаги охириги ютуқларга, монтаж ва қурилиш ташкилотлари техник жиҳозланишининг замонавий талабларига жавоб бериши, қурилиш соҳасидаги илғор тажрибаларни ҳамда самарали лойиҳавий ечимларни, материалларни, маҳсулотларни ва конструкцияларни ўзида акс эттириши лозим.

Смета нормаларининг асосий функцияси - нарх кўрсаткичларга ўтиш учун асос сифатида мувофиқ турдаги ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларнинг норматив миқдорини аниқлашдир.

3.5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.11.2018 йил ПФ-5577-сонли фармонида мувофиқ асосий ресурс смета нормалари талабларига зид бўлмаган чет эл нормаий – техник ҳужжатларини мослаштириш (адаптация) ва уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалиётга жорий этишга руҳсат этилади.

#### **4 “ИҚТИСОДИЙ НОРМАТИВЛАР” ШНҚ № 4 ҚУЙИ ТИЗИМИГА КИРУВЧИ СМЕТА НОРМАЛАРИ ТИЗИМИ**

4.1 Ресурсли элементли смета нормалари (РЭСМ) ўз таркибида ишчиларнинг меҳнат сарфи кўрсаткичларини, қурилиш машина ва

механизмларидан фойдаланиш сарф харажатлари кўрсаткичларини ҳамда моддий ресурслар сарфи кўрсаткичларини акс эттирувчи бирламчи смета нормалари ҳисобланади.

4.2 Қурилиш машина ва механизмларидан фойдаланишнинг ресурсли смета нормалари қурилиш машина ва механизмларидан фойдаланишда 1 - машина-соат баҳосини аниқлаш учун норматив база саналади.

4.3 Ресурсли элементли смета нормалари ЙРСМ билан бир қаторда бирламчи ресурсли смета нормалар ҳисобланиб, смета ҳужжатларини ресурс усулида тузишда ресурс сарфини аниқлаш учун мўлжалланган.

4.4 Ресурсли смета нормаларни ишлаб чиқиш қоидалари ШНҚ 4.02.00 “Қурилиш ишларига ресурс элементли смета нормаларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш бўйича умумий низом” қоидалар мажмуининг мувофиқ бобларида келтирилган.

## **5. СМЕТА НОРМАЛАРИ ВА УЛАР ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ, МУВОФИҚЛАШТИРИШ, ТАСДИҚЛАШ, РЎЙҲАТДАН ЎТКАЗИШ ВА НАШР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

5.1 Ресурсли смета нормативларни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва кучга киритиш ШНҚ 1.01.01 “Қурилишда норматив ҳужжатлар тизими. норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби”да келтирилган тартибга мувофиқ равишда амалга оширилади ва ШНҚнинг мазкур бобида мавжуд қоидаларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2 Тасдиқлаш учун тайёрланаётган, ресурсли смета нормалар лойиҳалари қуйидаги тартибда кўриб чиқилади:

5.2.1 Ресурсли смета нормалари лойиҳалари уларни ишлаб чиққан ташкилот маъсул ходимлари иштирокида амалга оширилади.

5.2.2 Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан тасдиқланиши лозим бўлган ресурсли смета нормалари лойиҳалари ёки у билан келишиш, илмий-тадқиқот ва лойиҳачи ташкилотларни жалб қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг Лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида иқтисодий ислоҳотлар бошқармаси, Техник нормалаштириш, янги технологияларни жорий этиш бошқармаси томонидан тасдиқлаш ёки келишиш учун кўриб чиқилади ва тайёрланади.

5.3 Ресурсли смета нормалари тасдиқлавчи ташкилотнинг қарори (буйруқ, баён ва шу кабилар) билан тасдиқланади.

5.3.1 Идоравий ресурс смета нормалари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан келишилиб, уларни ишлаб чиққан идоралар



томонидан тасдиқланади.

5.3.2. Янги ресурсли смета нормаларини ишлаб чиқиш, илгари амалда бўлганларини такомиллаштириш ва амалдан чиқариш, ҳамда чет эл нормаларини адаптация қилиш, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган методик ҳужжатлар асосида Қурилиш вазирлигининг ва алоҳида инвесторларнинг топшириғи билан норматив ишлар режаси бўйича амалга оширилади.

5.3.3 Лойиҳада (ишчи ҳужжатларда) кўзда тутилган конструкциялар ва ишлар учун амалдаги ресурсли элементли смета нормалар тўпламларида нормалар мавжуд бўлмаган ҳолларда, қурилиш учун ресурсли смета ҳужжатни тузувчи лойиҳа ташкилоти лойиҳа (ишчи ҳужжатлар) таркибида тасдиқланадиган ресурсли смета нормаларини ишлаб чиқиши лозим.

5.4 Тасдиқлангане ресурс смета нормалари ШНҚ 1.01.01 I - иловасида келтирилган шакл асосида тузилган китобда рўйхатга олиниши керак.

5.5 Ресурсли смета нормаларини рўйхатдан ўтказишда уларга белги - шифр берилади.

5.3.1 “Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари” ШНҚ № 4 қуйи тизими таркибига кирувчи ресурсли смета нормаларининг тўлиқ шифри “ШНҚ” харфларидан, бир-биридан нуқталар билан ажратилган қуйи тизим рақами – “4”дан, гуруҳ рақамидан (иккита рақам) ва гуруҳ иловасидаги тўпلام рақамидан (иккита рақам) ташкил топган бўлиши керак; чизиқчадан кейин қўйилган охириги икки рақам смета нормативи тасдиқланган йилни англатади. Масалан: ШНҚ 4.02.11 - 2020 йил деганда, ушбу ШНҚ – “Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари”; “Иқтисодий нормативлар” № 4 қуйи тизим; 02-гуруҳ – “Ресурсли элементли смета нормалари”; 11 - Тўпلام “Поллар”; 20 – охириги икки рақам тасдиқланган йилни англатади.

5.5.2 Хар бир ресурсли смета нормалар тўпламидаги ресурсли смета норманинг ички рақамланиши (шифри), ушбу нормаларнинг техник қисмларида келтирилади. Ушбу рақамланиш шундай йўл билан амалга ошириладики, тўпلام рақамидан сўнг (бир ёки икки рақам) чизиқчадан кейин, қоида бўйича РЭСМ жадвалининг рақамига мувофиқ ушбу тўпلامдаги қиймат рақами келтирилган ва охириги икки рақам РЭСМ жадвалларининг мувофиқ устунини англатади.

5.5.3 Қўлланиладиган ресурсли смета нормаларига ҳаволаларни (ссылка) бирхиллаштириш мақсадида, тузиладиган ресурсли смета ҳужжатларида 3-маълумот учун иловага мувофиқ ҳолда қисқа шифрлардан фойдаланиш зарур.

5.5.4. Идоравий ресурсли смета нормаларининг шифрида, уларни рўйхатдан ўтказишда муассаса норма ва қоидаларининг қисқача белгиланиши келтирилади (ИҚН), ост тизим рақами – “4”, рўхатдан ўтказиш китобидаги тартиб рақами ва чизиқчадан сўнг тасдиқланган йилини кўрсатувчи икки рақам, ҳамда смета нормативини тасдиқлаган идоранинг қисқача номи. Масалан:

ИҚН 4.--)-20

АЖ “Ўзбекистон темир йўллари”

5.5.5 Агарда ресурсли смета нормативи амалдаги худди шундай номли норма ўрнига тасдиқланаётган бўлса, унинг олдинги шифри сақланиб қолади, фақат тасдиқлаш йилини билдирувчи рақамларгина мувофиқ равишда ўзгаради.

5.6 Ресурсли смета нормаларни нашр қилиш ва қайта нашр қилиш ҳуқуқи, нормани тасдиқловчи идорага тегишлидир.

5.6.1 Тасдиқланган ресурсли смета нормаларини тўплам кўринишида нашр қилишга йўл қўйилади. Бунда:

тўплам муқовали қилиниши, алоҳида ҳужжатларни эса тўпламга муқовасиз, яъни фақат титул varaғини алмаштириш билан нашр этиш керак;

тўпламнинг муқовасига унга кирган барча алоҳида ҳужжатларнинг белгиларини киритиш лозим;

тўпламнинг пастки қисмида бетлар рақамлари қўйиб борилиши лозим.

5.6.2 Ресурс смета нормаларини қайта нашр этилганда, тасдиқланган барча киритилган ўзгартиришлар инобатга олинган бўлиши лозим. Ўзгартиришлар билан қайта нашр этилган ҳужжат белгиси (шифр)га юлдузча (\*) белгиси қўйилади, масалан, ШНК 4.02.01 - 04\*. Шунингдек юлдузча билан мазкур тўпламдаги ўзгартирилган бандлар ҳам белгиланади.

5.7 Тасдиқланган (келишилган) ресурс смета ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан хар йили эълон қилинадиган нормай ҳужжатлар рўйхати (Указатель) таркибида амалга оширилади.

## **6 РЕСУРСЛИ СМЕТА НОРМАЛАРНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ**

6.1 Смета нормаларини тасдиқлаган ва кучга киритган ресурсли смета нормаларини ишлаб чиқувчи ташкилотлар (бир нечта амалга оширувчилар мавжуд бўлган холда – ишлаб чиқувчи ташкилотлар) ва идоралар амалдаги

нормалар илмий-техник даражасини аниқлаш учун уларни даврий равишда текшириб туришлари ва уларни янгилаш бўйича таклифлар тайёрлашлари лозим.

6.2 Амалдаги ресурсли смета нормаларни янгилаш қайта кўриб чиқиш режаларига мувофиқ ҳолда бутунлай қайта кўриб чиқиш ёки алоҳида ўзгартиришлар киритиш (масалан: уларга нисбатан коэффициентлар келтириш) йўли билан амалга оширилади. Одатда бу, ресурсли смета нормаларига ўзгартиришлар ёки ресурсли смета нормалар тўпламларига қўшимчалар ишлаб чиқиш йўли билан амалга оширилади ва уларни янги нормаларни кучга киритиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ресурсли смета нормалар тўпламга қўшимчалар тўпламлар расмийлаштирилгани каби расмийлаштирилади.

6.3 Ресурсли смета нормаларни қайта кўриб чиқиш, уларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш учун асос сифатида тугалланган илмий-техник ёки тажриба ишларининг натижалари, ресурсли смета нормалар тузиш ва қўллашнинг, смета нормалар талабларига риоя қилиш ва уларни қўлланилишини назорат қилишнинг миллий ва хориж тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш учун хизмат қилиши мумкин.

6.4 Ресурс смета нормалар тўпламига киритиладиган ҳар бир ўзгаришга рўйхатдан ўтиш тартиб рақами берилади. Смета нормалари тўпламига қилинган ҳар бир қўшимчага тартиб рақам белгиси берилади.

Ўзгартиришлар ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ва рақамлаш, ресурсли смета нормалар тўпламларини биринчи бор кучга киритишдаги каби тартибда амалга оширилади.

## **7 РЕСУРСЛИ СМЕТА НОРМАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ТЎҒРИ ҚЎЛЛАШДАГИ МАСЪУЛИЯТ**

7.1. Ресурсли смета нормаларини ишлаб чиққан етакчи ташкилотлар, уларни амалга киритиш учун тақдим этган вазирликлар ва бошқармалар, ҳамда уларни амалга киритувчи идоралар қуйидагилар учун қонунчиликда белгиланган жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар:

ресурсли смета нормалар талабларини замонавий фан, техника, илғор ишлаб чиқариш тажрибасига, ҳамда қурилган объектдан фойдаланиш шарт-шароитларига мувофиқлиги;

ресурсли смета нормаларда ресурс сарфини пасайтиришга, қурилиш муддатини камайтиришга ва қурилиш сифатини оширишга, энг оптимал ечимларни тадбиқ этишга, моддий, энергия, меҳнат ва бошқа ресурслардан

самарали фойдаланишга, қурилишни индустриализациялаш ва меҳнат самарадорлиги даражасини оширишга, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилашга, атроф муҳитни муҳофаза қилишга, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган талаблар ўз аксини топиши;

ресурсли смета нормалар асоси бўлган бирламчи маълумотларни тўғрилиги ва уларни техник, ҳамда иқтисодий жиҳатдан асосланганлиги;

ресурсли смета нормаларни амалдаги қонунчиликка, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартларига мувофиқлиги;

смета нормаларнинг мазкур гуруҳ ШНҚ низомларига мувофиқлиги, матнли ва рақамли маълумотларнинг, ҳамда ишлатилган терминларнинг тўғрилиги;

ресурс смета нормаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида ёки амалдаги смета нормалар тўпламлари учун қўшимчалар ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақида ўз вақтида асосланган таклифлар тақдим этиш;

ресурсли смета нормаларни режада белгиланган муддатда амалга киритиш учун, лойиҳаларини тақдим этиш.

7.2 Ресурсли смета нормалар талабларига риоя қилмаганликлари учун, жумладан, ушбу нормаларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан мувофиқ равишда қўлламаганликлари учун ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар, ҳамда улардаги масъул шахслар жавобгардирлар.

## **8 СМЕТА НОРМАЙИ ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНИШINI НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

8.1 Лойиҳани тузувчи, муҳандислик тадқиқотларни ва қурилишни амалга оширувчи ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар, ҳамда экспертиза идоралари ресурс смета норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилинишини доимий равишда назорат қилинишини таъминлайдилар.

8.2 Смета норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилинишини танлов асосида назоратни, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, ҳамда норматив ҳужжатни амалга киритиш учун тақдим этган вазирликлар ва идоралар амалга оширадилар.

8.3 Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Республиканинг барча ташкилотларида смета норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилинишини, ташкилотнинг идоравий бошқарувга бўйсунити ва мулк шаклидан қатъий назар текширади.

8.4. Смета норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши текширув натижалари белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

## Қурилишда нарх шакллантири учун смета нормайй ҳужжатлар тизими

### “Иқтисодий нормативлар” ШНК №4 қуйи тизими

### Қурилишда нарх шакилантириш учун ресурсли смета норматив ҳужжатлар тизими

Элемент ресурс смета  
нормаларини ишлаб чиқиш ва  
қўллаш қоидалари

Йириклашган ресурсли смета  
нормаларни ишлаб чиқиш ва  
улардан фойдаланиш қоидалари

**Ресурсли элемент смета  
нормалари**

**Йириклашган ресурсли смета  
нормалар**

Қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш  
ишлари ресурсли элемент смета  
нормалари тўплами

бино ва иншоотлар учун	конструкциялар ва иш турлари учун
------------------------------	---

Қурилиш машиналаридан  
фойдаланиш ресурсли смета  
нормалари тўплами

Қурилишнинг алоҳида турлари  
бўйича йириклашган ресурсли  
смета нормалар (ЙРСН) ва  
йириклашган ресурс  
кўрсаткичлари (ЙРК)

Монтаж ишлари учун ресурсли  
смета нормалар тўплами

Жамоат ва маъмурий  
биноларнинг жиҳоз ва  
анжомлари учун харажатлар  
смета нормалари

Маҳсус ишлар идоравий ресурсли  
смета нормалари тўплами

### **Қурилиш ҳажмини аниқлаш қоидалари**

1. Бинонинг чордоқ томли ер усти қисмининг қурилиш ҳажмини, бинонинг цокольдандан юқори биринчи қават даражасида ташқи чизиғи бўйича горизонтал кесими майдонини бинонинг айнан биринчи қават полидан то чордоқ томининг иситгичигача бўлган бутун баландлигига кўпайтириш орқали аниқлаш лозим.

Бинонинг чордоқ томсиз ер усти қисмининг қурилиш ҳажмини, вертикал кўндаланг кесими майдонини кесим майдонига перпендикуляр йўналишда, цокольдандан юқори биринчи қават даражасида олдинги деворлар сиртлари орасидаги ўлчанган бино узунлигига кўпайтириш билан аниқлаш лозим.

Вертикал кўндаланг кесим майдонини, деворларнинг ташқи сиртини айланма ўлчами бўйича, томнинг юқори чизиғи бўйича ва қават тоза полининг даражаси бўйича аниқлаш лозим. Кўндаланг кесим майдонини ўлчашда деворлар сиртидан чиқиб турган архитектуравий қисмларни, ҳамда ботиқликларни ҳисобга олмаслик керак.

Бинода майдони турли ўлчамдаги қаватлар мавжуд бўлганда, бино ҳажмини унинг қисмларининг ҳажмлари йиғиндиси сифатида аниқлаш лозим. Шунингдек агар бино қисмлари тузилиши ёки конструкцияси бўйича бир-биридан бирмунча фарқ қилган ҳолларда, бинонинг ҳажмини қисмларга бўлиб ҳисоблаш зарур. Бино ҳажми қисмларга бўлиб ҳисобланганида чегара девор ўзининг баландлиги ёки конструкцияси бўйича тўғри келадиган бино қисмига тегишли ҳисобланади.

2. Томнинг ташқи чизиғидан чиқиб турган ёриқлик чироқларнинг қурилиш ҳажми бино қурилиш ҳажмига киритилади.

3. Эрекр, пешайвон, тамбур ва бинонинг фойдали ҳажмини кўпайтирувчи бошқа қисмларини алоҳида ҳисоблаш ва бинонинг умумий ҳажмига қўшиш лозим. Лоджия (бир томони очик айвон)лар ҳажми бино ҳажмидан чиқариб ташланмайди. Ўтиш йўллари, портчалар, ҳамда очик ва ёпиқ балконлар ҳажми бино ҳажмига киритилмайди.

4. Жамоат ва турар жой биноларининг техник қаватларини бинонинг ҳажмига киритиш лозим.

5. Мансард қават (оғма болохона) ҳажмини унинг пол даражасидаги деворлар ташқи айланмаси бўйича мансарднинг горизонтал кесими майдонини мансард полидан чордоқ ёпинчиғининг тепа қисмигача бўлган

баландликка кўпайтириш орқали аниқлаш лозим.

6. Ертўла ва ярим ертўлалар ҳажмини ертўланинг цокольдани юқори, биринчи қават даражасидаги горизонтал кесимини тоза полдан биринчи қаватнинг тоза полигача бўлган ўлчам узунлигига кўпайтириш орқали аниқлаш лозим. Бино ичида устидаги деворсиз ертўла қилинганда, майдонни унинг тепасидаги ёпинчиғи даражасида ертўла ташқи айланмаси бўйича аниқлаш лозим.

7. Ертўлани ёки ярим ертўлани биноларнинг умумий қурилиш ҳажмини мазкур илованинг 1-5 банларига мувофиқ ҳисобланган бинонинг ер усти ҳажми ва 6 - бандига мувофиқ ҳисобланган ертўла (ярим ертўла) ҳажми йиғиндиси сифатида аниқлаш лозим.

8. Деворларни ташқи айланмаси бўйича ўлчаш амалга оширилганда унинг сувоғи ва беағи қалинлиги ҳисобга олиниши лозим.

**“Иқтисодий нормативлар” ШНҚ № 4 қуйи тизимига кирувчи  
ресурсли смета нормалари**

№ т.р.	Қисқача белгиси	Номи	Шифри
1	2	3	4
1	НТ	Қурилишда нарх шаклантириш учун смета нормалар ҳужжатлари тизими	ШНҚ 4.01.01
2	УН	Қурилиш ишлари бўйича ресурсли смета нормаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича умумий низомлар	ШНҚ 4.02.00
3	РЭСН	Қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари ресурсли элементли смета нормалари тўпламлари	ШНҚ 4.02.
4	ҚМРСН	Қурилиш машиналаридан фойдаланиш ресурсли смета нормалари тўпламлари	ШНҚ 4.03.
5	ЙРК	Алоҳида иш турлари бўйича йириклаштирилган ресурс кўрсаткичлари	ШНҚ 4.08.
6	ИҚН	Идоравий маҳсус ишлар ресурсли смета нормалари тўпламлари	ИҚН 4.(--)-08.
7	ЖАСН	Жамоат ва маъмурий биноларнинг жиҳоз ва анжомлари учун харажатлар смета нормалари тўпламлари	ШНҚ 4.13.
8	ЙРСН	Йириклаштирилган ресурс смета нормалар тўпламлари	ШНҚ 4.14.
9	УМРСН	Ускуналарни монтаж қилиш ресурсли смета нормалари тўпламлари	ШНҚ 4.17.